

Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1902-ҳадис

1902 - وَعَنْ أُمِّ شَرِيكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَمَرَهَا بِقَتْلِ الْأَوْزَاعِ، وَقَالَ: «كَانَ يَنْفُخُ عَلَى إِبْرَاهِيمَ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ 3359، م 2237].

1902. Умму Шарийк розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам унга калтакесакларни ўлдиришни буюриб: «Чунки, у Иброҳимга (ўт) пуфлаган эди», дедилар.

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифдан калтакесак хосиятсиз ҳайвон эканлигини тушуниб оламиз. Ҳақиқатан, ҳамма жойларда ҳам, ҳамма халқларда ҳам бу ҳайвон ҳақида бирор оғиз яхши гап айтилмаган бўлса керак.

Саъд розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам калтакесакни ўлдиришга амр қилдилар ва уни фосиқча, деб номладилар».

(Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Манба: hadis.islom.uz



